

**АЖ «UZBAT А.О.» ҚК  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ  
НАВБАТДАН ТАШҚАРИ  
УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ  
ТОМОНИДАН  
2020 ЙИЛ 03 ИЮНДА  
«ТАСДИҚЛАНГАН»**

*(Imzo shtampi)*

---

**АЖ «UZBAT А.О.» ҚК  
БОШ ДИРЕКТОРИ  
IGOR KOLESNIKOV**

**АЖ «UZBAT А.О.» ҚК  
АКЦИЯДОРЛАРИ  
УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИНГ**

**РЕГЛАМЕНТИ**

Мазкур «АЖ «UZBAT А.О.» ҚК акциядорлари Умумий йиғилишининг регламенти» («Регламент») Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» Қонуни янги таҳрирининг 59-моддаси ва УЗБАТ Устави янги таҳрирининг 16, 21 и 23- моддалари низомлари асосида ишлаб чиқилди.

Мазкур Регламент АЖ «UZBAT А.О.» ҚК («УЗБАТ») Акциядорларининг Умумий йиғилишларини ўтказиш тартибини белгилайди ва ҳар бир шундай йиғилишда қўшимча тасдиқлаш ва овоз беришни талаб этмайди.

1. УЗБАТ акциядорларининг Умумий йиғилишларида (бундан буён “Йиғилиш”) иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ва уларнинг вакиллари рўйхатдан ўтказиш, Йиғилиш бошланишидан 30 дақиқа аввал бошланади. Йиғилиш унинг бошланиш вақтига кворумга эга бўлса очилади. Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни рўйхатдан ўтказиш УЗБАТ Санок Комиссияси томонидан амалга оширилади.
2. Акциядорлар Умумий йиғилишининг ишчи органлари қуйидагилар ҳисобланадилар: Акциядорлар Умумий йиғилишининг Раиси, Умумий йиғилиш Раёсати, Акциядорлар Умумий йиғилишининг Санок Комиссияси ва Котиби.
3. Акциядорларнинг Умумий йиғилишини УЗБАТ Кузатов Кенгашининг Раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда - УЗБАТ Кузатов Кенгаши аъзоларидан бири олиб боради. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида Раис ёки Кузатов Кенгашининг аъзолари иштирок эта олмаган тақдирда, Акциядорларнинг Умумий йиғилишини УЗБАТ Бош Директори олиб боради.
4. Акциядорларнинг Умумий йиғилишининг Котиби Кузатов Кенгашининг Котиби ҳисобланади.
5. Акциядорларг Умумий йиғилишининг Раиси йиғилишнинг боришига раҳбарлик қилади, масалаларни ҳал қилиш тартибини белгилайди, маърузачиларнинг сўзга чиқиш вақтини

чегаралаб беради, йиғилишни олиб бориш ва овоз бериш бўйича тушунтиришлар беради, залда тартибнинг мавжудлигини назорат қилади.

6. Йиғилиш Котиби Акциядорлар Умумий йиғилиши тугугандан сўнг 10 кундан кечиктирмасдан икки нусхада Йиғилиш ёзма Баённомасини тайёрлайди.
7. Йиғилиш Раиси тайинланган вақтда Йиғилиш иштирокчиларига кутлов сўзи билан мурожаат қилади.
8. Раис Йиғилиш иштирокчиларини Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» Қонуни янги таҳрирининг 66-моддасига биноан УЗБАТга Санок комиссияси тайинланганлиги ҳақида хабардор қилади. Раис Санок Комиссиясига Йиғилиш иштирокчиларининг рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар асосида, Йиғилишга Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг, ва/ёки уларнинг вакилларининг нечтаси Йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтганликлари ва Йиғилишда нечтаси иштирок этаётганликлари ҳақида хабар беради.
9. Кворум мавжуд бўлганда, Йиғилиш Раиси Йиғилишни очик, деб эълон қилади ва Санок комиссиясига Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга Йиғилиш кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш тартибини ва овоз бериш Бюллетенларини тўлдириш қоидаларини, ҳамда акциядорларни Йиғилиш кун тартиби бўйича овоз бериш натижалари тўғрисида хабардор қилиш тартибини тушунтиришини таклиф қилади.
10. Йиғилиш кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш Йиғилиш иштирокчилари томонидан, овоз бериш учун қўйилган ҳар бир масала муҳокама қилинганидан сўнг овоз бериш бюллетенларини тўлдириш орқали амалга оширилади.
  - Овоз бериш учун қўйилган ҳар бир масала бўйича оддий овоз бериш учун бюллетень (яъни, “бир овоз берувчи акция – бир овоз” тамойили бўйича овоз беришда), қуйидаги вариантларни ўз ичига олади:

Тарафдорлар	<input checked="" type="checkbox"/>
Қаршилар	<input type="checkbox"/>
Бетарафлар	<input type="checkbox"/>

Ҳар бир масала бўйича Акциядорнинг позициясига мос квадрат белгиланади.

Бюллетень Акциядор ёки унинг ваколатли шахси томонидан имзоланган бўлиши керак.

Овоз беришда, овоз бериш вариантларидан фақат овоз бериш учун қолдирилган битта варианты бўйича бериладиган овоз ҳисобга олинади. Юқорида кўрсатиб ўтилган талабларни бузиб тузиладиган Бюллетенлар, ҳақиқий эмас деб тан олинади ва таркибидаги масалалар бўйича овозлар ҳисобга олинмайди. Агар бюллетень овоз беришга қўйилган бир неча масалалардан иборат бўлса, бир ёки бир неча масалага нисбатан мазкур бандда кўрсатилган талабларга риоя қилмаслик, бюллетенни бутунлай овоз бериш учун ҳақиқий эмас деб тан олишга олиб келмайди.

- УЗБАТ Кузатув кенгаши аъзоларини сайлашда кўзда тутилган кумулятив овоз берилганда, ҳар бир акциядорга тегишли бўлган овозлар сони, Кузатув Кенгашига сайланиши лозим бўлган шахсларнинг сонига кўпайтирилади, ва овоз берувчи бундай тарзда олинган овозларни тўлиқ бир номзодга бериш ёки уларни икки ва ундан ортик номзодлар ўртасида тақсимлаш ҳуқуқига эга.

Масалан, 100 акцияга овоз берувчи, УЗБАТ Кузатув кенгашида 5 аъзо бўлиши керак, демак мазкур ҳолатда акциядорда 500та овоз мавжуд. У 5та номзоднинг ҳар бирига 100тадан овоз бериш, ёки 500та овознинг ҳаммасини бир номзодга бериш, ёхуд ўз овозларини бошқача тартибда тақсимлаш ҳуқуқига эга.

11. Йиғилиш Раиси Йиғилиш Раёсатини шакллантиришни таклиф этади. Йиғилиш Раёсати Йиғилишнинг ишчи органи ҳисобланади ва Акциядорлар томонидан қарорлар қабул қилишга ва/ёки қарор қабул қилишга таъсир кўрсатиш ваколатларига эга эмас. Йиғилиш Раёсати ягона мақсад билан тузилади – Йиғилишнинг унумли ва аниқ ишлашини таъминлаш ва Йиғилиш Регламентига риоя қилинишини кузатиш. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида мазкур масала кўзда тутилмаган. Йиғилиш Раёсати Раис ва Йиғилиш иштирокчиларидан келиб тушадиган таклифлар асосида шакллантирилади.
12. Кун тартиби масалалари бўйича Йиғилишда сўзга чиқишлар бўйича қуйидаги регламент белгиланади:
  - масалалар муҳокамаси кун тартибига биноан амалга оширилади;
  - Йиғилишни янада самаралироқ ўтказиш мақсадида, маърузалар рус тилларида тайёрланади (зарур бўлган ҳолларда инглиз тилига таржима қилинади);
  - маърузанинг давомийлиги 15 дақиқагача белгиланади;
  - Ҳисоботдан кейин саволлар бериш вақти 5 дақиқагача белгиланади;
  - масалаларни шакллантириш аниқ ва қисқа бўлиши керак.
13. Саволлар, маълумотномалар, маълумотлар билан сўзга чиқишга Йиғилиш иштирокчисининг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилган ҳолда Йиғилиш Раисига ёзма равишда берилган буюртма асосида рухсат берилади. Саволлар, маълумотлар, маълумотномалар бўлган нутқлар Йиғилиш кун тартибига мувофиқ бўлиши керак.
14. Раис Йиғилишни кун тартибига биноан, Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга сўзга чиқиш учун ёзма равишда буюртма берган маърузачилар ва шахсларга сўз берган ҳолда олиб боради.
15. Йиғилиш кун тартибини кўриб чиқиш тугагандан сўнг, Саноқ комиссияси Йиғилиш иштирокчиларидан овоз бериш учун Бюллетенларни йиғишни ва Йиғилиш кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш натижаларини ҳисоблашни амалга оширади. Овозларни санаш натижалари бўйича, Саноқ комиссияси овоз бериш якунлари бўйича Баённома тузади ва Баённома Саноқ комиссияси аъзолари томонидан имзоланадигана.
16. Саноқ комиссияси Йиғилишда иштирок этган Акциядорларга Йиғилиш кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш натижаларини эълон қилади. Овоз бериш натижалари бўйича Бённома Йиғилиш Баённомасига илова қилинади.
17. Шундан сўнг Йиғилиш Раиси Йиғилишни ёпиқ деб эълон қилади.
18. Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида қабул қилинган қарорлар, шунингдек Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида олиб борилган овоз беришда овоз бериш натижалари Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида эълон қилинади ҳамда Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши ёпилганидан сўнг, қонунда белгиланган тартиб ва муддатларда овоз бериш натижалари тўғрисидаги ҳисоботни эълон қилиш орқали акциядорлар эътиборига етказилади.